10.3. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

## XI. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

11.1. Томонлар:

а) табиий офатлар;

б) магистрал газ қувурларида ва газ тармоқларида, газни қайта ишлаш корхоналари ва газ қазибчиқариш жойларида кутилмаган авария вазиятлари юзага келганда, шунингдек енгиб бўлмас кучлар туфайли содир бўлган табиий офатлар, хусусан, сел, ёмғир, сув тошқини, ёнғин чиқиши, ер қимирлаши, вирус тарқалиши ва пандемия даврида ҳамда Ҳукумат қарорига асосан тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажариш имкони бўлмай қолганда жавобгарликка жалб этилмасдан, газ етказиб беришни тўхтатиш, қисқартириш ёки муносабатларни тўхтатиш ҳуқуқига эга бўладилар.

11.2. Форс-мажор ҳолатлар юзага келган тақдирда, тарафлар ҳар қандай алоқа воситаси ёрдамида бир-бирини хабардор қилиши керак.

11.3. Агар, кўрсатилган ҳолатлар 90 кундан ортиқ кун мобайнида сақланиб турса,томонлар музокаралар йўли билан шартномани келгусида бажариш тўғрисидаги қарор қабул қиладилар.

## XII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

12.1. Ушбу шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиши ҳамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.

12.2. Бюджет ташкилотлари учуншартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралидаги ПҚ-594-сон қарорига асосан Ғазначилик бўлими томонидан мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.

12.3. Шартнома 2022 йил 31 декабргача бўлган муддатга тузилган. Шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган ҳисобланади.

Бюджет ташкилотлари учун шартнома бир йилга тузилади, шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисидаталаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган хисобланади. Бюджетдан маблағ олувчилар ҳар йили “2022” йил 31 декабр санасига” амал қилишлари лозим.

12.4. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича даъволари даъво қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида кўриб чиқилади.

## XIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

13.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 июндаги “Табиий газ ва электр энергиясини сотиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №6010-сон Фармони қабул қилиниши муносабати билан Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (БЮРО) барча ваколатлари 2020 йилнинг 1-августига қадар амалда бўлади.

13.2. Ушбу шартнома томонларнинг ҳар бири учун икки нусхада тузилган, иккала нусхасиҳам бир хил юридик кучга эга.



## XIV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛИ:

| “ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ”<br>**“Ҳудудгазтаъминот” АЖ “Ҳудудгаз Навоий” газ таъминоти филиали** | **“ИСТЕЪМОЛЧИ”** |
|---|---|
| Манзил: Навоий ш. М.Таробий кўчаси<br>Тел./факс: 78-770-24-75<br>х/р: 22634000805113960358<br>Банк номи: «Ўзсаноатқурилишбанк» Ракат филиали<br>МФО: 00435<br>ИНН 306605769<br>ОКЭД: 35220<br>Х/Р ___<br><br>Раҳбар в.в.б. Н.С.Гаффаров<br>**(Ф.И.Ш.)**<br>**Имзоси:** ___<br>Муҳр ўрни | NAVOIY VILOYAT BOLALAR KO'P<br>(бюджет ташкилотлари, хўжалик юритувчи субъектлар номи)<br>YURIDIK MANZILGOH: NAVOIY SH. V. BULAT-16<br>SHXR:1000218601240170731010540001<br>Почта манзили SHXR:<br>ОКПО коди BANK NOMI: TOSHKENT SH. MARKAZIY BANKNING<br>ОКЭД BOSH BOSHQARMASI HISOB-KITOB KASSA MARKAZI<br>Мулоқот у-н телефони BANK KODI (MFO) 00014<br>Ғаз./х STIR: 201945874; XXTUT:91511; KTUT:16306617<br>Банк номи: MOLIYA VAZIRLIGI G'AZNACHILIGI<br>МФО G'AZNACHILIK H/R: 23402000300100001010<br>ИНН BANK NOMI: TOSHKENT SH. MARKAZIY BANKNING<br>ш/х BOSH BOSHQARMASI HISOB-KITOB KASSA MARKAZI<br>х/р BANK KODI (MFO) 00014<br>G'AZNACHILIK STIR: 201122919<br>(ғазначилик бўлинмаси номи)<br><br>Раҳбар: Ш.Т.Худойбердиев<br>(Ф.И.Ш.)<br>**Имзоси:** ___<br>Муҳр ўрни |

ХУЛОСА
Ушбу икки томонлама муносабатлар Ўзбекистон Республикаси ФКнинг “Хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонун талаблари билан тартибга солинган. Томонларнинг шартнома шартлари Мажбуриятлари ва жавобгарликлари юқорида қайд этилган қонун талабларига риоя этилган ҳолда тузилган.

Юридик маслаҳатчи хулосаси: ___

(Ф.И.Ш.) (имзо муҳр) (сана)